



## Сафларингизни тўғирланглар! Сафни тўғрилаш намозни мукамаллигидандир», дедилар

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни тўғирланглар! Сафни тўғрилаш намозни мукамаллигидандир», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозхонларни сафларини текис ва тўғри қилиб туришга буюрадилар: ҳеч ким бошқалардан олдинга чиқмасин ёки орқада қолмасин. Чунки сафларнинг тўғри ва текис бўлиши намознинг мукамаллиги ва камолотига далолат қилади. Агар саф эгри-бугри бўлса, бу намоздаги нуқсон ва камчилик ҳисобланади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3031>

النّجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

